

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Уш.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

РАДЖАПОВ ДОНИЁР БАХТИЯРОВИЧ

**ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШ УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Раджапов Дониёр Бахтиярович

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш3

Раджапов Дониёр Бахтиярович

Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательных документов в области здравоохранения граждан24

Rajarov Doniyor Baxtiyarovich

Improving the prosecutor's control over the execution of legal documents on the protection of citizens' health44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

РАДЖАПОВ ДОНИЁР БАХТИЯРОВИЧ

**ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШ УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Үу953 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Одинаев Адҳам Саъдуллаевич юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	Джураев Ихтиёр Бахтиёрвич юридик фанлари доктори, профессор Абдуҳакимов Муродулло Тогаевич юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 4 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2023 йил 20 ноябрда тарқатилди.

(2023 йил 20 ноябрдаги 11-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлари бўйича доктори (PhD), доцент

Д.М.Миразов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш учун соғлиқни сақлаш тизимининг самарали ишлаши, хусусан, аҳолини сифатли ва қулай тиббий хизматлар билан таъминлаш, мамлакатда касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг юқори бўлмаслиги зарурий шартлардан ҳисобланади. Бинобарин, БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги “Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”ининг 12-моддасида ҳам “ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигининг эришиш мумкин бўлган энг юқори стандартидан фойдаланиш ҳуқуқи тан олиниши”¹ белгилаб қўйилган. Бироқ Transparency International халқаро ташкилотининг дунёда коррупция билан боғлиқ ишларнинг ҳолати тўғрисидаги маърузасида ўғирлик, порахўрлик ва товламачилик миллионлаб одамларни тегишли тиббий ёрдамдан маҳрум қилаётганлиги, биргина сохта дорилар ҳар йили минглаб одамларни ўлдириши ва касалликларнинг тарқалишини тезлаштириши алоҳида таъкидланган². Зеро, соғлиқни сақлаш соҳасида қонун бузилиши ва коррупциянинг нархи инсониятнинг азоб-уқубати, ҳаёти билан тўланади.

Жаҳон ҳамжамияти йилига соғлиқни сақлаш учун 4,1 триллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфлайди, шундан 750 миллиарди фармацевтика маҳсулотларининг харидлари учун ишлатилади³. Ҳар бир мамлакат умумий тиббий қамровга эришиш борасида аҳолисининг эҳтиёжлари ва мавжуд ресурслардан келиб чиқиб ўз стратегиясини белгилайди. Соғлиқни сақлаш хизматлари ва ахборотдан фойдаланиш инсонларнинг универсал ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Шундай экан, ҳозирги кунда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ кафолатларни амалга оширишдаги камчиликлар, тиббий суғурта, юқори технологияли тиббий ёрдам тизимини етарли даражада молиялаштирилмаганлиги ва тиббиёт ходимлари малакасининг пастлиги ҳамда бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг тўлиқ шаклланмаганлиги соҳада қонун устуворлигини таъминлашга масъул бўлган органларнинг, хусусан, прокуратура органларининг назорат фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 56-мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш дастурини 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган

¹ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml

² www.transparency.org.ru/INTER/inter_gcr.asp

³ Pharmaceutical companies have \$700 billion for acquisitions and investment // <https://www.goldmansachs.com/intelligence/pages/pharmaceutical-companies-have-700-billion-for-acquisition.html>; American Medical Association. Trends in health care spending | Healthcare costs in the US // <https://www.ama-assn.org/about/research/trends-health-care-spending>

стратегиясини амалга ошириш⁴ устидан прокурор назоратини тўғри ва сифатли ташкил қилиш ушбу мақсадларни самарали амалга оширишда муҳим қафолат ҳисобланади.

Мамлакатимизда прокуратура органлари томонидан 2018-2022 йил ва 2023 йилнинг 9 оyi давомида соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда 2611 та, 2019 йилда 3169 та, 2020 йилда 4171 та, 2021 йилда 5116 та, 2022 йилда 5465 тани ва 2023 йилнинг 9 ойида эса 4411 тани ташкил этган. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан 2021-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 9 оyi давомида аниқланган қонун бузилишлари сони олий таълим соҳасида 2086 тани, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида 3645 тани, маданият ва маданий мерос соҳасида 6369 тани ташкил қилса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун бузилишлар сони эса 20891 тани ташкил қилади⁵. Статистика агентлиги маълумотига кўра, 2023 йилда соғлиқни сақлаш ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи бошқа соҳаларга нисбатан энг паст (2,9 миллион сўм) бўлиб⁶, “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган сўровномада қарийб 32 фоиз иштирокчи соғлиқни сақлаш соҳасини коррупция энг кўп кузатиладиган соҳа сифатида қайд этишган⁷.

Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасида қонун бузилишларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш, қонун ҳужжатларининг ижроси устидан самарали прокурор назоратини ташкил қилиш масалаларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқариб, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти олдига фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга нисбатан прокурор назоратининг таъсири ва самарадорлигини ошириш муаммоларини таҳлил қилиш, ушбу йўналишда прокурор назоратининг энг муҳим жиҳатларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганган ҳолда унинг илмий ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда прокурор назоратининг таъсирчан тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги (1996), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги (2016), “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги (2021) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2018), “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

⁵ Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 2018-2022 йиллар, 2023 йил 9 оyi давомида соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари тўғрисида маълумот // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали // Электрон манбаа: <http://report.bp.gov> (мурожаат вақти: 12.10.2023).

⁶ https://stat.uz/images/uploads/reliz-2023/press-reliz-uzb_ishhaqi_25_10_2023.pdf

⁷ Ўзбекистон республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг “Коррупция ва коррупциявий ҳолатларнинг жамият ҳаётига таъсирдорлиги даражаси жамоатчилиги онгида идрок этилишини баҳолаш” бўйича 2022 йилдаги ахборот-таҳлилий ҳисоботи

ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги (2021), “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари, “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2011), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (2016), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ва мавзуга оид бошқа қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Ўзбекистонда қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ҳамда жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлиғини таъминлашда прокуратура органларининг ролини оширишга доир масалалар Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, З.С.Ибрагимов, О.М.Мадалиев, И.Б.Джураев, А.Б.Комилов, Ш.Ж.Рахимов, М.Т.Абдуҳакимов, Д.Ш.Ибрагимовларнинг тадқиқот ишларида муайян даражада ёритилган. Шунингдек, Х.Н.Сафаров фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини, А.А.Каримов фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлаш масалаларини ўрганган. Бироқ мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари мавзусида комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари ўрганилмаган.

Хорижлик олимлар А.В.Шибина, Ф.Х.Шерегова, Е.Б.Минжурова, А.А.Мельникова, И.В.Устименко, О.К.Коробкова ва А.В.Гришин соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати масалалари бўйича тадқиқот олиб боришган.

Шунингдек, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг ҳуқуқий масалалари ва ушбу соҳада назоратнинг ўзига хос жиҳатлари Wilhelmina Joan Pizzini (“Соғлиқни сақлаш ташкилотларида бошқарувни назорат қилиш тизимларининг роли: эмпирик тадқиқотлар”, University of Pennsylvania), Cyril Branet (Европада барқарор ва универсал соғлиқни сақлашни кўллаб-

қувватловчи стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда соғлиқни сақлаш менежерларининг роли, Brunel University London) каби олимларнинг ишларида ўрганилган⁸.

Аmmo ушбу соҳада прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муаммолар алоҳида тадқиқот сифатида илк бор ўрганилаётганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2020-2023 йилларга мўлжалланган “Прокурор назоратини такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва заруратини очиб бериш;

фуқароларнинг соғлиғини сақлашга оид ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ва объектларини ёритиш;

фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг чегараси ва унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

прокурорнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан назоратини ташкил этиш ва унинг асосий йўналишларини очиб бериш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини ташкил этишнинг услубиёти ва унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

фуқаролар соғлиғини сақлашга доир қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш асосида ушбу соҳани такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ташкил қилади.

⁸ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг предмети фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган илмий-назарий ёндашувлар, қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, ижтимоий сўров, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назорати мазкур соҳадаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ва бажарилишини текширишга, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи эканлиги, бу соҳада давлат назорати тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳаларида амалга оширилиши асослантилган;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомаласи йўналишида прокурор назоратини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисидаги кодекси лойиҳасига “Давлат санитария назорати” ҳамда “Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги давлат назорати” каби янги моддалар киритиш таклифи асослантилган;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назорати предметига ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар аҳоли соғлиғини сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа хил тизимлари мансабдор шахслари томонидан Конституция ва қонунларга риоя қилиш, шунингдек, улар томонидан чиқарилган ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ келишини назарда тутиш асослаб берилган;

дори воситалари нархларнинг сунъий ошишини олдини олиш ва соҳада қонунийликни таъминлаш мақсадида референт мамлакатларнинг дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлари бўйича маълумотларни чуқур таҳлил қилган ҳолда дори воситаларини даромадлар даражаси тенг бўлган давлатлар орасидан танлаш мезонларини белгилашни ҳуқуқий тартибга солиш таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асосий йўналишларини назарда тутувчи ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғи ишлаб чиқилиб, унда прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги асосий мақсадлари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари белгилаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонунига прокурор назорати тадбирлари қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қилган ҳолларда ўтказилишини назарда тутувчи нормалар киритилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда прокуратура органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қонунчиликда мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрлар асослантириб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 365-сон Қарори билан тасдиқланган “Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти”нинг давлат тилида ишлаб чиқилишига доир таклифлар асослантирилган;

дори воситаларининг чакана савдоси фақат ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилиши, дори воситаларини масофадан, шу жумладан Интернет орқали сотишни тартибга солиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш, шунингдек, дори воситаларининг муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш масаласини такомиллаштириш ва ушбу тартибни норматив жиҳатдан қонун билан белгилаш мақсадида, “Дори воситаларининг муомаласи тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 17-сон буйруғи билан тасдиқланган “Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомда дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартиби назарда тутишга доир таклифлар асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисидаги кодекси лойиҳасига фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, фуқароларга хавфсиз, самарали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш ҳамда давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир бобида берилган хулосалар, шунингдек диссертация иши хулоса қисмида акс этган илмий-амалий ечимлар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этишга оид мавжуд илмий-назарий қарашларга, ҳуқуқий база нуқтаи назаридан эса – халқаро ҳужжатлар, миллий қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, 2560 нафар прокуратура ходимлари, Бош прокуратура, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, олий таълимдан кейинги таълим институти вакиллари, тингловчиларининг фикрларини ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари соғлиқни сақлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар ва таҳлилий умумлашмаларни ўрганиш натижаларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари синовдан ўтказилган ҳамда етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган, шунингдек ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари устидан назоратни такомиллаштириш, ушбу соҳага таалукли назарий билимларни бойитиш ҳамда янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштиришда, шунингдек Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари, тингловчилари, юридик олий таълим ва илмий тадқиқот институтларининг талабалари ва илмий ходимлари учун ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида “Прокурор назорати назарияси ва амалиёти”, “Тиббиёт ҳуқуқи” ва “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари” модуллари бўйича маърузалар ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат назорати мазкур соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя этилишини ва бажарилишини текширишга, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, аниқлашга, уларга чек қўйишга ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи эканлиги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат назорати тиббий ёрдам кўрсатиш; аҳолининг

санитария-эпидемиологик осойишталиги; дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳаларида амалга оширилишини назарда тутиш ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 апрелдаги 08-10175-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назоратини амалга оширишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашади;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомаласида давлат назоратини белгилашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 апрелдаги 08-10175-сон далолатномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши соғлиқни сақлаш соҳасида давлат санитария назорати ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги прокурор назоратига доир нормаларни шакллантиришга хизмат қилади;

соғлиқни сақлаш соҳасида қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предметини аниқлаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасининг 6 ва бошқа моддаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 31 январдаги 27/2-21-23-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши фуқаролар соғлиғини сақлашга масъул бўлган вазирлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар давлат соғлиқни сақлаш тизимида ва соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларида мансуб шахслар томонидан Конституция ва қонунларга риоя қилиш, жисмоний (мансабдор шахслар) ва юридик шахслар томонидан қонунларнинг бажарилиши, назорат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, улар томонидан чиқарилган ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга кўмаклашади;

прокуратура органларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий қонуни лойиҳасининг 18-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 31 январдаги 27/2-21-23-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши прокуратура органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашган;

дори воситаларининг референт нархларини шакллантириш орқали нархларни сунъий ошишини олдини олиш ва соҳада қонунийликни

таъминлаш мақсадида дори воситаларини даромадлари даражаси тенг бўлган референт давлатлар орасидан танлаш мезонларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш таклифи Бош прокуратуранинг 2023 йил октябрдаги таҳлилий маълумотномасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 2 ноябрдаги 7-4075358/23-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 7 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни, зарурати, вазифалари, мақсади, ҳолати, шунингдек мазкур соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, унинг назарий ва ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиш имконини яратиш каби устувор йўналишлар ва белгиланган вазифаларни самарали бажарилишида ушбу соҳадаги прокурор назоратининг муҳимлиги асослантирилган.

Диссертант томонидан прокурор назоратининг вазифалари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг (Б.Пўлатов, Ф.Рахимов, З.Ибрагимов, О.Мадалиев, И.Джураев, А.Комилов, Ш.Рахимов, М.Абдуҳақимов, Д.Ибрагимов ва бошқ.) фикрлари таҳлил этилган ва шу асосда муаллифлик тушунчалари ишлаб чиқилган. Таҳлилларга асосан, ушбу соҳада прокурор назоратининг

вазифалари сифатида малакали тиббий хизмат асосида таъминланадиган соғлиқни сақлашга бўлган конституциявий ҳуқуқни таъминлаш муҳим деган хулосага келинган.

Таҳлил натижаларига асосан, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади – прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида прокуратура органлари давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда прокуратура органлари ўзларининг назорат соҳасидаги тажриба ва салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ҳар хил турдаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан профилактик таъсир ўтказиш, уларни содир этишнинг дастлабки босқичларидаёқ аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш эканлиги ҳақида хулосага келинган. Шу билан бирга, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсадига назорат фаолияти олдида турган вазифаларни амалга ошириш орқали эришилиши ҳақидаги илмий-назарий хулоса илгари сурилган.

Муаллиф тадқиқот ишида соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назоратини объектларига қараб 4 та гуруҳга яъни, соғлиқни сақлаш соҳасидаги республика миқёсидаги ташкилотлар (мансабдор шахслар)нинг фаолияти, уларнинг ҳудудий бошқарма (бўлим)лари фаолиятлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фармацевтика ташкилотлари фаолиятлари билан боғлиқ гуруҳларга бўлиш ҳақида илмий-назарий хулоса илгари сурилган.

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ижроси устидан прокурор назоратининг вазифалари асосан соғлиқни сақлаш тизимида ишга қабул қилиш, бюджет маблағларини сарфлаш, пуллик хизмат кўрсатиш, давлат ҳисобидан тиббий ёрдам олишга ордерлар бериш, туғруқ комплексларида тиббий хизмат кўрсатиш, ногиронликни белгилаш, дори-дармон воситалари, тиббий буюм ва жиҳозлар билан таъминлаш йўналишларида қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, дори воситалари муомаласи соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишдан иборат эканлиги ҳақида хулосага келинган.

Тадқиқот ишида хорижий давлатларнинг (Россия Федерацияси, Грузия ва ҳ.к.) прокуратура тўғрисидаги қонунчилигида ўша давлатнинг халқаро шартномалари прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари таркибига киритилганлиги қайд этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари бўйича ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб, прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари сифатида **халқаро** шартномалар ҳам киритилиши зарурлигини асослантирган ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро шартномалари ва келишувлари, мазкур Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг

фаолияти ҳам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Давлатлараро органларнинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидалари асосида уларни талқин қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган қарорлари Ўзбекистон Республикасида ижро этилиши мумкин эмас” таҳририда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги хулосани асослантирган. Ушбу таклифни ижтимоий сўровда иштирок этган 2560 нафар респондентларнинг 70 фоиздан ортиғи қўллаб-қувватлаган.

Диссертант томонидан ҳозирги кунда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги такрорланишлар ва декларативлик бартараф этилиши, бошқа соҳадаги қонунлар ва қонун ости норматив-ҳуқуқий **ҳужжатлар** билан ўзаро номувофиқлигини олдини олишга зарурат мавжудлиги, тезкорлик билан тизимлаштиришга муҳтож бўлган ҳуқуқ тармоқларидан бири эканлиги тўғрисида хулосага келинган.

Шунингдек, тадқиқот ишида Қозоғистон ва Бошқирдистон тажрибаси асосида мазкур мамлакатларда Соғлиқни сақлашни тартибга солувчи кодексда давлат текшируви ва назорати билан боғлиқ алоҳида боб мавжудлиги, соҳани назорат қилиш **механизмлари мавжудлиги** қайд этилган. Шунга асосан, соғлиғини сақлаш соҳасидаги мамлакатимиз қонунчилигини такомиллаштириш ва уни унификациялаш мақсадида қабул қилиниши таклиф қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисидаги кодексда “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат текшируви ва назорати” номли алоҳида бўлим киритилиши ва ушбу бўлимда соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат назоратининг, шу жумладан прокурор назоратининг асосий йўналишлари бўлган – тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласида қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида боблар киритилиши таклифи илгари сурилган.

Шунингдек, ушбу Кодексда қонун нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишининг самарали механизмларини яратишга, тиббиёт ходимлари ҳамда беморларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқишга, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий ҳимояси кучайтиришга, фуқароларнинг ўз соғлиғига эътибори ва масъулиятини ошириш ҳамда соҳада қонун устуворлигини таъминлашнинг аниқ механизмларини жорий этишга эътибор қаратиш зарурлиги асослантирилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, чегараси ва объектлари”** деб номланган иккинчи бобида прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасида прокурор назорати предмети, объектлари ва чегараси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Хусусан, прокурор назорати предмети, объектлари ва чегараси бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг (А.Шибина, Т.Отческа, В.Долежан, А.Винокуров, Б.Пўлатов, О.Мадалиев, А.Комилов, Ш.Ж.Рахимов ва бошқ.) фикрлари таҳлил этилган ва шу асосда муаллиф ўз қарашларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Бинобарин, диссертант соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назорати

предметига ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар **аҳоли** соғлиғини сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа хил тизимлари мансабдор шахслари томонидан Конституция ва қонунларга риоя қилиш, шунингдек, улар томонидан чиқарилган ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ келишини назарда тутиш лозимлиги ҳақида хулосага келган.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонунига алоҳида “Прокуратура органларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлиги” деб номланувчи модда киритиш ва унда прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиши, шунингдек давлат органлари ва бошқа ташкилотлар прокуратура органларига прокурор назоратини амалга оширишга доир вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шартлиги ҳақидаги норма назарда тутилиши тақлиф этилган.

Муаллиф томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан прокурор назоратининг чегараларини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, прокурор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқароларнинг соғлиғини сақлаш борасидаги қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг соғлиғини сақлаш борасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи норманинг бажарилишини назорат қилиши, прокуратура давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва соғлиқни сақлаш тўғрисида қонунларга **мувофиқлигини** назорат қилиши, прокурор қонунларни ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши, прокурор қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органга, мансабдор шахс ёки юқори турувчи органга нисбатан назорат ҳужжатларини киритиш ваколатига эга бўлиши кабилар кўрсатиб ўтилган бўлиб, бундай чегаралар ёрдамида прокурор назоратининг бир йўналишини бошқасидан, шунингдек бошқа давлат органларининг назорат фаолиятидаги ваколатларини ажратиб олиш имкони яратилиши ҳақида хулосалар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, дори воситаларининг чакана савдоси фақат ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилиши, дори воситаларини масофадан, шу жумладан Интернет орқали сотишни тартибга солиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек, дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш, шунингдек, дори воситаларининг муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш масаласини такомиллаштириш ва ушбу тартибни норматив жиҳатдан қонун билан белгилаш мақсадида, “Дори воситаларининг муомаласи тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилган.

Аҳолини арзон дори воситалари билан таъминлаш ва референт нарх **ни** шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 24 мартдаги 115-сонли буйруғи билан “Референт нарх

шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисида”ги Низомни республикамизга импорт қилинаётган дори воситаларини, ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлари бўйича маълумотларни чуқур таҳлил қилган ҳолда референт мамлакатларни қайта кўриб чиқиб, даромадлар даражаси тенг бўлган давлатлар орасидан танлаш мезонларини белгилаш, референт мамлакатлардаги нархлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва тегишли дастурга киритишни Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги зиммасига юклаган ҳолда такомиллаштириш лозимлиги асослантирилган.

Диссертациянинг **“Прокурорнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобда фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятини ташкил этиш, услубиёти ва унинг хусусиятлари тадқиқ этилган.

Ушбу бобда прокурор назоратининг самарадорлиги мазкур фаолиятни тўғри ташкил қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш ҳамда идоралараро ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқлиги асослантирилган.

Тадқиқотчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома **асосида** иш ҳажми кўплиги (21%), соғлиқни сақлаш қонунчилиги мукамал эмаслиги (17%) ва услубий таъминот етарли даражада эмаслиги (16%) соғлиқни сақлаш соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар эканлиги **асослантирилган**.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжат сифатида Бош прокурорнинг **“Соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”**ги буйруғининг қабул қилиниши фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг натижадорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши ҳақида хулосага келинган (*Буйруқ лойиҳаси диссертация ишига илова қилинади*).

Диссертант томонидан янги таҳрирда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикасининг **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонунида прокурор назорати тадбирлари қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қилган ҳолларда ўтказилишини назарда тутувчи норманинг киритилиши ҳақида таклиф илгари сурилган.

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларига риоя қилиш устидан прокурор назоратининг услубиётига соҳадаги қонун ҳужжатларининг бузилишини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида прокурорлар томонидан қўлланиладиган усуллар ва воситалар тизими, деб таъриф бериш таклифи илгари сурилган.

Муаллиф томонидан ҳуқуқшунос олимлар В.Д.Ломовский ва Е.А.Анаеванинг прокурорлик назорати процессига берилган таърифлари

ўрганилиб, прокурорнинг соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш фаолияти ташкилий, услубий, тактик жиҳатларини ўзида тавсифлайдиган назорат босқичларини таҳлил қилиш натижасида юқоридаги жараёнлар умумлаштирилган ҳолда прокурор назорат процесси деб номланувчи ҳуқуқий категория эканлиги тўғрисида хулосага келинган.

